

БЕРДАҚ атындағы ҚАРАҚАЛПАҚ
МӘМЛЕКЕТЛИК УНИВЕРСИТЕТИНИҢ


ХАБАРШЫСЫ

БЕРДАҚ номидаги ҚОРАҚАЛПОҚ
ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ

АХБОРТОТНОМАСИ

ВЕСТНИК

КАРАКАЛПАСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО
УНИВЕРСИТЕТА им. БЕРДАХА



3

НӨКІС 2020 НУКУС

**БЕРДАҚ атындағы ҚАРАҚАЛПАҚ МӘМЛЕКЕТЛИК
УНИВЕРСИТЕТИНИҢ**

ХАБАРШЫСЫ

**БЕРДАҚ номидаги ҚОРАҚАЛПОҚ
ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ**

АХБОРТОТНОМАСИ

ВЕСТНИК

**КАРАКАЛПАКСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО
УНИВЕРСИТЕТА им. БЕРДАХА**

№ 3 (48)

2020

Каракалпакский госуниверситет им. Бердаха

үйинлар орқали ривожлантиришни педагогик аҳамияти.	
Бекмирзаев М. Х., Ўралов А. И. Биологик фанларни ўқитиш технологиялари	107
Каримов З. А. Соғлом турмуш тарзи - репрадуктив саломатликнинг асосидир	110
Султанова Г. С. Таълим жараёнида креатив тафаккурнинг аҳамияти	113
Нарметова Ю.К. Бронхиал астма билан касалланган болаларнинг ўзига хос психологик хусусиятлари	116
Berdimuratov R.Z. O'zbekistonda milliy kurash sport turiga qaratilayotgan imkoniyatlar	119
Қирғизбоев М. М. Юкори малакали белбоғли курашчиларда бўғимлараро эгилувчанликни педагогик тажриба давомида шакллантириш самарадорлиги.	121
Содикова Ш.М. Узлуксиз таълим тизимида ёруғликнинг тўлқин хоссаларини намойиш қилишда анимацион моделлардан фойдаланиш	124
Тлеубаева Г.С. Математик иқтидорни аниқлашда интерфаол таълим технологиялари	127
А.Р.Казаков., И.К.Аллаяров. Волейболчиларга хос анаэроб иш қобилиятини оширишда гипоксик машқлардан фойдаланиши афзаллиги	130
Элмуродов Ж.А. Геометрия курсидан мультимедиали электрон ўқув мажмуаларини яратиш тамоиллари	133
Алкаров Э.М. Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш жараёнида ахборот мониторинг хизматининг инфратузилмаси	136

**ИСТОРИЯ. СОЦИОЛОГИЯ.
ФИЛОСОФИЯ. ЮРИСПРУДЕНЦИЯ.**

Пулатов А. Государственная политика республики Кыргызстан и законодательство в религиозной сфере	140
Абсатторов Б.М. Инсон фаолиятида ахлоқий меъёрни шакллантириш мезонлари	143
Акимниязова Г.А. Традиционный каракалпакский базар XIX века	147
Анорбоев А. Болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотлар: жиноят ва жазо масалалари	151
Оразбаев А.К. Француз философларының еркинлик ҳаққындағы көз-қараслары	156
Ҳамдамова Д.Р. Германия федератив республикасида прокуратура ва суд органлари фаолияти ҳамда унинг ўзига хос хусусиятларининг қиёсий таҳлили	159
Донокулов Н. Х. Показатели эффективности и критерии оценки деятельности таможенных постов	162
Утемуратов М.А., Дауменов Б.А. Жамиятда ҳукуқий онгни юксалтириш - фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг муҳим омили	167
Мухаммадиев Ж. У., Маматов М. Свобода слова, свобода средств массовой информации отличительный знак демократии	171
Казакбаев Ҳ. И. Жанубий хитой денгизидаги баҳсли ҳудудлар ва унда хитой халқ республикасининг позицияси	174
Тангирбергенова К. Исторический вклад каракалпакского народа в победу над фашизмом	176
Файзиев О. Халық мурәжатлары менен ислеўдеги машқалалар ҳэм шешимлер	180
Камилов Д.З. Ўзбекистонда виждан эркинлигининг ўзига хос моделини шаклланиши ва ривожланиши	182
Максетова М.К. Пуқаралық жәмийетин раўажландырыўда шахс руўхый жетиклигиниң орны ҳәм әхмийети	186
Олтибоев А.М. Ўзбекистон ва Қозогистон республикалари маданий ҳамкорлиги тарихидан	188
Сейтимбетов М.К. Қубла Арап аймагындағы құрғаклықтағы жоллар ҳәм катнас қураллары (XIX әсир)	190
Анёзов Р. Б. Марказий осиё карвои йўлларининг асосий йўналишлари (ХIII–XV асрлар)	195
Меликова М.Н. Духовное наследие Накшбанди в творчестве Алишера Навои	199
Пирназаров Н. Руўхыйлық мәселесиниң философиялық анализленийи	202
Реймов Р. М. Әдеплиллик – инсан өмириинин мазмуны	206
Тажимираев Э. А. Ўзбекистон халклари кундалик хаётидаги ўзгаришлар (XX асрнинг 60-80-йиллари мисолида)	208
Сейтимбетова Н.М. Миллатлараро муносабатларнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари	211
Расурова Н. С. Сиёсий партияларнинг тарихий эволюцияси: назария ва концепциялар	214
Тургунова Н.Н. Замонавий дунёда давлат сиёсатида ёшларнинг ўрни ва унга таъсир қилувчи турли омиллар	218
Баҳодирова Ф. Б. Прагматизм фалсафаси ва унинг жамиятни модернизациялашга таъсири	220
Атамуратов М. У. Бошқарув кадрлари компетентлиги – ўзбекистон тараққиётини юксалтирувчи куч	222
Байрыева А.Қ. Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда жамоатчилик назоратининг роли ва аҳамият	225
Нсанбаева Э.Т. Ислам дининде инсанның руўхый жетиклиги мәселеси	227
Опаев Б. Фәzzел қазы ҳәм «Он тогыз» ўакыясы	230
Gafforova M. Q. The influence of the development of science and education in society on the change in the spiritual image of a woman	233
Акбарова З. А. Мұхит оламни моделлаштиришнинг асосий категорияси сифатида	236
Эргашев Т. Ахборотлашган жамиятда ёшларнинг инновацион фаоллигини ошириш хусусиятлари	238

омилларини таъминлашга йўналтирилган тафаккур ҳисобланади. Шунингдек, креатив тафаккур замонавий бошқарувчилар, олимлар, пеадгоглар, менежерларнинг ҳам тафаккури бўлиб, жамият тараққиётида унинг энг қуий босқичларидан тортиб, энг юқори даражаларигача креатив тафаккур талаб қилинади. Мазкур тафаккур қуроли – инсон маънавияти, табиати, билими, ақлий салоҳияти шунингдек, мана шу жуда катта базани ишлата олиш қобилиятини ҳам ўз ичига олади.

Ҳозирда таълимнинг турли шакилларида инновацион ва креатив фикрлаш асосида таълим жараёни йўлга қўйилмоқда. Бу йўлнинг нечоғлик тўғри эканлиги таълим тизими ривожланган давлатлар тажрибаси асосида ўрганилмоқда. Ҳусусан, прагматик педагогика асосчиси, американлик файласуф ва педагог Д.Ж.Дюи таълимда қуидаги назарияни ишлаб чиқди: Ўқув материалларининг муаммоси; Боланинг билиш фаоллиги ; Таълимнинг бола ҳаётий тажрибаси билан алоқаси; Таълимни фаолият (ўйин, меҳнат) сифатида ташкил этиши.

Бу тўрт қоидани дарс жараёнида тадбиқ этиш ўқитувчидан креатив фикрлаш ва ўз фанининг устаси бўлишни талаб этади. Ўқувчининг мустакил фикрлашга ва ўз ғояларини тадбиқ этишга ўргатсак, ҳозирги ёш авлоқ ичидан ҳам дахолар етишиб чиқиши мумкин. Таълимни креативлиги туфайли Марказий Осиёда жаҳон илм-фанига улкан ҳисса қўшган буюк комусий олимлар етишиб чиққан.

Шунингдек, улар таълим тараққиёти борасида ҳам фикрлар билдирилган. Бундан кўриниб турибдики юртимизда бу соҳага алоҳида эътибор қаратилган. Зоро, ҳар қандай жамиятнинг ундаги қонунлар бажарилишига асосланади. Тарихга назар ташласак, бизнинг буюк аждодларимиз дунё илм- фанига асос солишган. Ибн Сино, Беруний, Абу Наср Фаробий, Ал-Хоразмий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Аҳмад Фарғоний кабилар фаннинг турли хил соҳаларида ўзига хос инқилоб яратишган. Бизнинг она юртимиз илм-фан ўчоқларидан бири ҳисобланади. Бу борада таълим жараёнидаги креативлик ва инноваторлик жиҳатлари аллақачон Абу Наср Фаробийнинг фикрлари орқали намоён бўлишини англаш мумкин: “Фаробий таълим, тарбияга биринчи марта таъриф бериб, таълим деган сўз инсонга ўқитиш, тушунтириш асосида назарий билим бериш, тарбия-назарий фазилатларни, маъсул ҳунарни эгаллаш учун зарур бўлган хулқ нормаларини ва амалий масалаларни ўрганишдир” [8.]. Бу буюк аждодларимизнинг бетакрорлиги шундаки , улар юксак даражада креатив фикрловчи , мантикий фикр юритувчи кишилар бўлишга. Ҳозирги кунда ҳам шу каби буюк алломаларни етиштириб чиқариш учун биз таълим соҳасини янгидан ислоҳ қилиш йўлини бошладик. Бирор бир фанни тубдан ўзгартириш ва инқилоб яратиш учун, яратувчи шахсада юксак креатив тафаккур бўлиши лозим. Ноанъанавий фикрлаш, орқали замонавий инновацион янгиликлардан фойдаланган ҳолда иш олиб борилса, максадга эришилиши мумкин.

Юкоридаги фикрлардан қуидаги хуносаларга келинди: **Биринчидан:** креатив тафаккур ҳамма соҳада ҳам аҳамиятга эга. Айниқса, тиббиёт ходимлари, юристлар, иқтисодчилар, архитекторлар, педагоглар, файласуфлар, дизайннерлар ва бошқалар; **Иккинчидан:** Барча соҳадаги етук кадрларни, таълим соҳасини ривожлантириш орқали етиштириб чиқарамиз . Шунинг учун бу соҳадаги креативликка алоҳида эътибор қаратиш лозим; **Учинчидан:** Таълим тизимида фаолият юритувчи барча турдаги педагоглар аввало, креатив фикрловчи, ижодкор ўзига хос услугига ва йўналишига эга бўлиши лозим; **Тўртинчидан:** Таълимнинг барча соҳаларида ўзига хос соғлом рақобатни яратиш ва у орқали тараққиётга эришиш мумкинлигини англаш лозим.

Бешинчидан: Бу соҳада янгилик яратиш , яратувчанлик ва изланишлар бўлмаса, жамиятнинг бирор бир соҳасида ривожланиш кўзга ташланмайди. Биз дунёнинг ривожланган давлатлари даражасига чиқши учун унинг пойдевори таълим тизими орқали яратилишини идрок этишимиз лозим.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

1. Маънавий юксалиш йўлида. (Тўплам) Тўпловчи М. Қаршибоев – Т: “Маънавият”, 2008. - Б. 144.
2. Каримов. И.А. “Юксак ма`навият енгилмас куч” — Т.: “Маънавият”, 2008. -Б. 176.
3. Мирзиёев Ш.М.Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Т : “Ўзбекистон”, 2017. - Б 104.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Мамлакатимизни 2015-йилда ижтимоий-иктисодий ривожланиш яқунлари ва 2016-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларга бағишлиланган Вазирлар Махкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасига чет эл ижтимоий -сиёсий доиралар вакиллари ва хорижий эксперталарнинг мунасабат ва фикр – мулаҳазалари . Т.: “Ўзбекистон” , 2016. - Б 128.
5. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 1992. – Б. 29.
6. Шермуҳаммадиева Н.А. Илмий тадқиқот методологияси . Т.: “Фан ва технология”, 2014. - Б 466.
7. Курбанов Ж.М., Мамарасулов Ж.Е. Илмий изланиш асослари, - Самарқанд, 2013, - Б.124.
8. Курбонова Ў.У. Абу Наср Фаробийнинг „Фозил одамлар шахри“ асосида таълим — тарбия. Т., 2018.

БРОНХИАЛ АСТМА БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БОЛАЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ Нарметова Ю.К.

Тошкент тиббиёт академияси

Бронхиал астма (БА) анъанавий психосоматик касалликлар қаторида киритилган бўлиб, психосоматик етилилк дея аталувчи гурух таркибига киради [2, 5б]. Умумэътироф этилган факт, БАни келиб чиқиши ва ривожланишини аниқловчи патогенетик мажмуанинг таркиби қисмлардан бири психологик омилдир [1, 18б; 2, 5б]. БАни вужудга келиши ва хуружларни келтириб чиқарувчи ҳиссий зўриқиши ва психологик стресс,

А.Е. Личко ва Э.Г. Эйдемиллер томонидан таклиф этилган таснифланиш болалар шахсини шакллантириш хусусиятлари ва оиласий тарбия услубларининг ўзаро боғлиқлиги асосида курилган бўлиб, уни амалда кўллаш нуқтаи назаридан жуда долзарбди. Муаллифлар томонидан оиласий тарбиянинг услубларида 5 та оғиш кўрсатилди: 1. Гипопротекция. Гипопротекция - ғамхўрлик ва назоратнинг йўқлиги билан характерланиб, бола кўпинча назоратсиз қолади, унга кам эътибор берилади, жисмоний жихатдан безътибор, унинг ҳаётига отоналар томонидан қизиқишининг йўқлиги билан характерланади. Тарбия расмий аҳамиятга эга бўлиб, боланинг оила ҳаётига таъсир эта олмаслиги, севишга ва боғланишга бўлган эҳтиёжнинг қонмаганлиги, уни ғайри ижтимоий хулқ-авторига олиб келади. 2. Доминанта гиперпротекция таъкиклар ва болага ўта кўп эътибор қаратишдан, ўта кучли ғамхўрлик ва майдо-чўйда ишларда ҳам болани назорат килиш, ҳатти-ҳаракатларини чеклаш оқибатида эмансиپацияга (карши кураш) ёки масъулиятсизлик, мустақил бўла олмаслиги, ўз-ўзини ҳимоя қила олмаслиги, ташаббуслар бера олмаслигига олиб келади [6, 164б]. 3. Гиперпротекцияни (гиперхимоя) кўллаб-кувватлашни “оила юлдузини тарбиялаш” ҳам деб номлашади. Ота-оналар болаларини энг кичик муаммоларидан озод этишга ҳаракат қилиб, ўта яхши кўриб, ҳар кандай истакларини бажо келтириб, ортиқча бошқарib, энг кичик ютукларидан ҳам севиниб, ўзгалардан ҳам худди шуни талаб қилишади. Болада юқори поғонали талаблар шаклланниб, лидерликка интилади. А. Маслоуни таъкидлашича, бундай услугу севиш ва тан олишга нисбатан патологик эҳтиёжни шакллантирап экан. Бундай оиласида тарбияланётган шахс, ҳаёти давомида салбий кечинмаларга кўп дучор бўлади, сабаби ота-онасининг “кўр” севгиси қийинчиликларни ва муаммоларни ҳал қилишини ўргатмайди. 4. “Хиссий инкор” этиш услубида эса, ота-оналарга ўз фарзанди малол келади, эҳтиёжлари беътибор қолади, кўпол муоммалада қилинади, малол-фарзанд одатда, яширинган хиссий таҳкирлик учрайди. Ушбу оиласий тарбиянинг услуби бола шахсиятининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. 5. Фрейднинг ёзишича, бундай оиласида “ташвишлантирувчи” барча 4 та вазият мавжуд бўлади: исталаётган объектнинг йўқотиш, севгини йўқотиш, шахсиятни йўқотиш, ўз-ўзига севгини йўқотиш. 5. Оиласий тарбиянинг “юқори ахлоқий масъулият” услубида боладан ростгўйликни, тўғриликни, вижданлиликни ва бошка ёшига тўғри келмайдиган хиссиётларини ривожланнишини талаб қилинади. Айрим вақтларда ўсмирига мажбуран “оила бошлиғи” вазифасини юкланиб, унда кичик болаларга ёки қарияларга кураш буюрилади. Ота-оналар ўз фарзандига ўзгача келажакни башорат қилишади, болалар эса чин дилдан уларни ранжитишдан кўркиб, ота-онасини ишончини дилдан оқлашга ҳаракат қиладилар.

Ота-оналарнинг тарбиялаш услубларидаги оғишлар рўйхатини куйидагилар билан тўлдириш мумкин: аёл, эркак ёки болаларга хос хусусиятларни ихтиёр этиш, ота-оналар хис-туйғулари соҳасини кенгайтириш, боладан жудо бўлиш кўркуви, ота-оналилар хис-туйғуларини ривожланмаганлиги, ўзининг салбий хусусиятларини болада кўриш, эр-хотин ўртасидаги низоларни тарбия соҳасига кўчириш [6, 154б].

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ота-оналилар услуби бу – умумлаштирилган, ўзига хос, визияти ва ноодатий тарзда ота-оналарнинг бола билан мулоқоти, фарзандга нисбатан муносабатни шаклидир. Таҳмин қилиш мумкинки, оиласий ўзаро муносабатлардаги оғишлар маълум психосоматик бузилишларни шаклланнишига сабабчи бўлади.

«Болалар психосоматикаси» китобининг муаллифи Н.Ю.Дмитриеванинг таъкидлашича [2, 24б], кўп психосоматик кўринишлар психик омиллар таъсири остида (оиласидаги нотўғри тарбия, стресслар, ўқув жараёнидаги зўриқишилар ва ҳ.клар) вужудга келади. Кейинчалик улар гастрит, невроз, бронхиал астма, нейроциркуляр дистония ва бошка касалликлар орқали намоён бўлади. Бунда ота-она ва болани хулқ авторини психологик коррекция орқали даволаш мумкинлиги энг мухим таъкидлов ҳисобланади.

Бирок кўп ҳолатларда болалар касаллигидан оила манфаатдор бўлади, эр-хотин ўртасилаги ўзаро муносабларини (умумий дард бирлаштиради) мустаҳкамлайди, ушбу оиласида якинларнинг кўллаб-кувватлаши, жамият қўйган юқори талаблари пасаяди. Бу касалликдаги “иккиламчи фойда” феномени деб аталади. Шунинг учун психокоррекцияда бутун оиласида касаллигидан “манфаат”ни топиш, исталаётганни унинг “ёрдамисиз” олиш йўлларини кўриб чиқиши.

Касаллик – бир томондан мухитга мослашув услуби бўлса, иккинчи томондан – салбий омил ҳисобланади. Йозага чиқарилмаган қаҳр, кўркув, айборлик хисси танадаги блокларга олиб келади, улар вақт ўтиб, у ёки бу аъзо ёки тана қисми касаллигига айланади. Кейинчалик ушбу эмоционал ҳолатлар соматик саломатлиқда акс этади. Бунда ота-оналар хис –туйғуларга таъкиклар ёки тез-тез тақрорланиб турувчи диструктив низолар уларнинг фарзандарининг психосоматик соғлиғига салбий таъсир кўрсатади. Ҳаттоқи, агар оиласида хотиржамлик бўлса, стресс ёки психик жароҳат психосоматик касалликларга олиб келиши мумкин, шунинг учун, тиббий даволаш билан бир қаторда психотерапевтик ёрдам ҳам кўрсатилса, боланинг ҳам жисмоний ҳам руҳий ҳолатидаги натижа юқори самарадорликка эга бўлади.

БА билан касалланган болалар ва ўсмириларнинг шахсий хусусиятларини тадқик этиш жуда мухим аҳамиятни касб этсада, бирок уларнинг ҳимоя механизмларининг хусусиятлари ҳам алоҳида эътиборга лойик. Бугунги кунда ҳимоя механизмлари қабул қилинаётган маълумотларни онгостида қайта ишлашда шахснинг интрапсихик мослашув жараёни сифатида кўриб чиқилмоқда [3, 27б]. Турли хил ҳимоя механизмлар боланинг психик ривожланиш билан боғлигини кам сонли тадқиқотларда таъкидланмоқда [5, 39б]. Соматик касалликларнинг клиникасида касаллик салбий омилларнинг таъсир этиши ва организмнинг гомеостазини кўллаб-кувватлашга қаратилган физиологик ҳимоя воситаларини фаоллаштиришга қаратилган. Ушбу аналогияга (ўхшатишга) мувофиқ шахснинг психологик ҳимоя механизмлари кўриб чиқилиши мумкин [3, 29б, 5, 27б]. Сурункали соматик касаллик билан касалланган боланинг ҳимоя механизмларини ўрганганди, айрим

психосоматик касаллукларни патогинезида ҳал этувчи ўринни эгаллаши ҳақидаги маълумотларни исботлайди [3, 29б]. Бундай мисоллардан бири, БА билан боғлик бўлган аффектив бузилишларда асосий бузилиш кайфиятнинг доимий ўзгаришида намоён бўлиб, одатда сиқилиш ҳавотир билан ҳамоҳанглиқда ёки усиз ҳам бўлиши мумкин. Ҳавотирли-дипрессив бузилишлар орасида улар алоҳида ижтимоий қадрга эга [4, 27б].

БАдан азият чекаётган болалар, хиссий қийинчиликлар ва безовта қилаётган жисмоний бузилишларни фарқлашда ожиздирлар, улар учун юқори салбий қобиг ва тор ҳаёлот дунёси хосдир [3, 29б].

Ф.Александернинг тадқиқотларида таъкидланганидек, бронхиал астмадаги бронхоспазм ҳимоя-мослашувчи характерга эга бўлиб, унинг замирида она ва бемор боланинг илк муносабатлари ётади. Кейинги тадқиқотларда бронхиал астма она ва доминанта она муносабатлари сабабли вужудга келиб, ҳосил бўлган низога олиб келади. Бронхиал астмани болаларда тадқиқ этганда, атрофдагилардан катта қарамлик хисси аниқланган, шунингдек, интровертилийк, босиқлик, юқори ҳавотирлийк, ҳолсизлик ва жizzакилик, ҳамда барча эътиборини касалликка қаратиш, алекситимияни мавжудлиги, фрустрациянинг юқори кўрсаткичи ва ўз-ўзини назорат қилиш кўрсаткичини пастлиги кузатилган. Бироқ, бошқа бир катор тадқиқотларнинг кўрсатишича, бундай ҳусусиятлар психосоматик касалликлар билан касалланган барча беморларга хосдир. Шунинг учун бу борада айрим муалифлар шахснинг носпешифик психосоматик радикалини белгилаб олишни таклиф этиб, бизнингча ҳам, бу жуда долзарб бўлиб, синчиков психологик таҳлилни талаб этади. Чет эл ва маҳаллий муалифлар, БАни тадқиқ этишда фанлараро текширувлар муҳимлигини таъкидлайдилар. Олимлар БАни вужудга келиши ҳавфи ва касалланиш даврининг оғирлиги билан боғлик бўлган бир катор тавсифномаларни ажратиб, уларнинг орасида оиласиий вазиятларнинг ўзига хосликлари, ижтимоий муҳитдаги низолар, агресив ижтимоий муҳит [3, 29б] кўрсаткичлари мавжуд. Шундай қилиб, БА билан касалланган болалар ва ўсмирларни тадқиқ этишда биопсиоижтимоий ёндашув энг конструктив ёндашув ҳисобланади. Ушбу ёндашув касалликнинг нафақат оғирлик даражасини, балки оиласиий, ижтимоий-маданий, ҳамда психологик омилларнинг касалланиш динамикасига ва реабилитация чора-тадбирлариннинг муваффақиятлилага таъсир этишини ҳисобга олишини талаб килади.

Манбаларда куйидаги **психосоматоген оилаларнинг** намоён бўлиши кўрсатилади: 1. Ота-онанинг болани ҳаётий муаммоларига ўта киришиб кетганлиги, бу унинг мустақиллигига салбий таъсир кўрсатиб, ҳимоя механизмларини ривожланига йўл кўймайди; 2. Оиланинг ҳар аъзосининг бошқасини стрессларига нисбатан юқори сезувчанлиги; 3. Ўзгарувчан вазиятларда ўзаро муносабатларнинг ригидлигига қоидаларни ўзгартира олиш қобилиятининг сустлиги; 4. Ўз фикрини ифодалашдан ва низоларни очиқ муҳокама қилишдан қочиш; 5. Боланинг касаллиги кўп ҳолатларда эр-хотин низоларида стабилизатор (мувозанатлаштирувчи) ролини бажаради [5, 64б]. Бошқача қилиб айтганда, соғлиқ саломатликнинг бош шарти оиланинг руҳий ҳотиржамлигидир. Шунинг учун, агар, ота-она психолигик маҳоратли бўлса, фарзанлини тушунса, қадрласа, зарур “миқдорда” ижобий эмоциялар бера олса, ва энг муҳими бир-бирини севиб, бир-бирига ғамхўрлик қилсагина, фарзанд стрессларга бардош берувчи, табиийки соғлом бўлади.

Н.Ю. Ереминанинг психологик консультацияларида боланинг психик ва соматик касаллукларида оиласиий факторни аниқлаган. Одатда, болани психолог олдига хулқ-авторидаги маълум бир оғишлар, мулоқотдаги зиддиятлар, эмоционал ёки ақлий муаммолар билан мурожаат қилишади. Аксар вазиятларда, ушбу ҳолатлар бирон-бир сурункали касаллик ёки иммунитетнинг пастлиги билан ҳамоҳанглиқда бўлади. Ҳамда боланинг барча муаммоларида ота-оналар болани ўзини ёки ўзгани айбдор деб билишади. Аммо, вазиятни негизига назар ташланса, сабаблар мажмuinи аниқланади, уларнинг орасида ота-оналик омили етакчи ўринда туради. Лекин, ҳар қандай ота –оналар бола ҳолатига жавобгарликни бўйнига олишга, ҳамда оиласиий туради. Муносабатлар тизимини ўзгаришишга тайёр эмас. Агар бола касал бўлса, уни докторга олиб боришади, касаликнинг психологик сабаблари ҳақида ўйлаб кўришмайди. Бу ерда расмий тиббиёт танқид остига олинаётгани йўқ албатта, бироқ, агар тиббий даволашни психотерапевтик даволаш билан ҳамоҳанглиқда олиб борса, самарадорлик анча юқори бўлар эди [6,].

Психосоматик касаллукларнинг давомийлигига таъсир этувчи муҳим омиллардан – бола касаллигига ота-онани муносабатидир. Одатда, унга хуружларнинг оқибатидан кўркувлар ва ота-онасининг касаллик ҳақидаги билимлар таъсир кўрсатади. Боланинг касаллигига бўлган муносабат унинг шахсиятига нисбатан шаклланади. Оиласиий сабабларни касаллик билан касалланса, оиласиий ўзаро муносабатларда ҳам ўзгариш бўлади [6]. Таъкидлаш лозимки, ота-онанинг фарзандли бўлишнинг ўзи ота-онада психосоматик касаллукларнинг вужудга келишига сабаб бўлади. Тўнгич фарзанднинг дунёга келишида ота-оналар янги масъулият ва жавобгарликка етарли даражада тайёр бўлмайдилар [6]. Ижтимоий психологик омилларга тарбия услугбларининг патологик кўринишлари таалуқлидир [5, 6]. Оиласиий тарбиянинг услуби – бу ота-онанинг болага таъсир этувчи стереотипларнинг мажмуясидир. Турли оиласиий тарбиянинг услуби – бу ота-оналар ва болалар ўртасидаги муносабатларни психологлар томонидан кузатганда объектив ва субъектив омиллар ва боланинг генетик ҳусусиятлари таъсирида келиб чиқадиган таълим услубларини тавсифлашгага имкон яратилди. Оиласиий тарбиянинг муайян услубини танлашга, аввало, ота-онанинг ўзи тарбия топган анъаналар таъсир кўрсатади. Ота-оналарнинг индивидуал ва шахсий ҳусусиятлари, уларнинг педагогик маданияти, психологик саводхонлиги катта аҳамиятга эга.

Оиласиий тарбия услубини белгиловчи оиласиий муносабатлар турларини маҳаллий олимлар А.В. Петровский, Л.Г. Сагатовской, Д.Н. Исаева, В.И. Гарбузова, А.Е. Личко, Э.Г. Эйдемиллер, В.М. Миниярова ва бошқаларнинг асарларида кўриб чиқилган.

муаллифлар күйидагича хulosага келгандар: шахснинг психологияк химоя тизими адекват бўлса, психоген бузлишларни олдини олиб, шахснинг касаллик ва даволаниш жараёнига муваффакиятли мослашувига кўмак беради [5, 296]. З. Фрейднинг назариясига кўра, психосоматик касалликларда, невротик хулқ-авторнинг барча шаклларида сикиб чиқариш роли барчасида мавжуд. Бу асосий ва энг кўп учрайдиган химоя механизмидир. Е. С. Романова ва Л. Р. Гребенниковларнинг таъкидлашича, сикиб чиқариш химоя механизми бўлиб, кўркувни келтириб чиқарувчи омил, вазият ва ҳолатларни унтиш орқали уни кулфлайди (блоклайди) [3, 286]. Натижалар таҳлилига кўра, БА билан касалланган болалардан кўра, соғлом болаларда шахснинг тақдим этилган химоя механизмларининг вариабеллиги кенгроқdir. Натижаларни омилли таҳлили шуни кўрсатдики, фрустрация вазиятларда болаларнинг хулқ-автори ва интрапсихик низоларни бартараф этишда муҳим ўринни шахсий хусусиятлар эгаллади. Натижаларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, интрапсихик низоларда ва болаларнинг фрустрациядаги хулқ-авторида шахсий тавсифномалар муҳим ўрин эгаллади. Омилли таҳлил асосида болалар уч гурухга ажратилди. Биринчи гурух — БА билан касалланган болалар бўлиб, уларда кўркмаслик, катъиятлилик, мулоқотга тез киришувчанлик, юқори ижтимоий фаолликка эга бўлиб, фрустрацион вазиятга тўлиқ тушиб қолмаслик, ҳамда муаммо ва низони ечимини топишга бўлган интилиш билан фарқланадилар. Витал эҳтиёжларнинг аҳамияти юқорилигига қарамай, уларда ижтимоий мулоқотга бўлган эҳтиёж кузатилган. Устунлик қилаётган химоя механизми бу - проекциядир. Бу гурухга касаликнинг енгил шакли билан касалланган болалар киритилган.

Иккинчи гурух — БАдан азият чекаётган болаларда мустақиллик, доминанта, ўз-ўзини ўрнини топишга бўлган интилиш, фрустрацион вазиятни (касаллик хуружи) ўзи учун кулагай деб билиб, масалан олдига кўйилган мақсадга эришиш йўлида фойдаланадилар. Олинган натижалар С. Ю. Куприяновнинг [6, 276] маълумотлари билан мувофиқлаштирилиб, унга кўра, бундай хулқ-авторни бронхиал астмада паторефлектор механизмини мустаҳкамловчи истериодли кўринишидир.

Учинчи гурухда — юқори сезувчанлик ва ўз-ўзини назорат қилиш кўрсаткичини пастлиги, ҳамда ёрқин намоён этилган психик дезадаптация билан кўзга ташланувчи болалар кирган. Уларда микроижтимоий муҳитда сезиларди даражада низолар кузатилиб, фрустрацияга нисбатан (низодан эътиборини узолмаслик) жавоб реакцияларини ноконструктив шакллари, ҳамда ижтимоий мулоқотга киришишнинг ҳоҳиши пастлиги кузатилган. Психологик химоянинг устун механизми - сикиб чиқариш. Ушбу гурухдаги болаларда касаликнинг оғир ва ўрта давомийлиги билан ажralиб турадиган боллар киритилган. Ушбу гурух болаларига биринчи ўринда психологик аралашувнича даволаниш даврида бирга бўлишни талаф этади.

Шундай килиб, бронхиал астма билан касалланган болаларнинг ўзига хос атрофдагилардан катта қарамлик ҳисси, интровертлилик, босиқлик, юқори ҳавотирлилик, ҳолсизлик ва жizzакилик, эътиборини касаликка қаратиш, алекситимия, фрустрациянинг юқори кўрсаткичи ва ўз-ўзини назорат қилиш кўрсаткичини пастлиги каби психологик хусусиятлари кузатилади.

АДАБИЁТЛАР

1. Голубев Н.А. Оптимизация фармакотерапии бронхиальной астмы у больных с аффективными расстройствами. Автореф.дис канд. мед. наук. Волгоград. 2012. 35с.
2. Психологические особенности детей и подростков с бронхиальной астмой. Уч.пос. Под ред. Е.Б. Романцова, А.Ф. Бабцева, Э.Л.Чупак, О.Б.Приходько, А.Г.Фомина. Благовещенск. Полисфера. 2009. 25с
3. Кривоногова Т.С., Шемякина Т.А., Бабикова Ю.А., Гаврилова А.Н. Психосоматические соотношения при бронхиальной астме у детей. Вестник РАМН. 2015.
4. Бердикова Л.В. Качество жизни и тревожно-депрессивные расстройства у больных бронхиальной астмой в сочетании с артериальной гипертензией. Автореф.дис... канд.мед.наук. Н.Новгород. 2012. 27 с.
5. Галицына Е.Ю. Особенности личности и психологической защиты детей, страдающих бронхиальной астмой. Вестник Санкт-Петербургского университета. 2015. 163-173с.
6. Еремина Н.Ю., Психосоматические расстройства у детей в семьях с различными стилями семейного воспитания. Поволжский педагогический вестник. 2015. №4(9).

Бронхиал астма билан касалланган болаларнинг ўзига хос психологик хусусиятлари
Ю.К.Нарметова Тошкент тиббиёт академиси

Резюме. Мазкур мақолада бронхиал астма билан касалланган болаларнинг ўзига хос психологик хусусиятлари хақида тўхтатлган. Бронхиал астмаси бор беморнинг ўзига хос хусусияти шундаки, улар бошқа одамларга қараганда кўпроқ салбий ҳис-туйғуларни бошдан кечирадилар ва ифодалайдилар.

Калит сўзлар: касалик, стресс, руҳий-эмоционал холат, аллерген, психоген, соматогенія, хуруж, таъсиранчик, кўркув, сезигрлик, атопик.

Психологическая характеристика особенностей детей с бронхиальной астмой
Ю.К.Нарметова. Ташкентская Медицинская Академия

Резюме. В данной статье рассматриваются психологические особенности детей с бронхиальной астмой. Характерной особенностью пациента с бронхиальной астмой является то, что он испытывает и выражает больше негативных эмоций, чем другие люди.

Ключевые слова: болезнь, стресс, психоэмоциональное состояние, аллергены, психогенные, соматогенные, приступ, чувствительность, страх, чувствительность, атопия.

Characteristic psychological characteristics of children with bronchial asthma
Y.K.Narmetova. Tashkent Medical Academy

Resume. This article touches on the psychological characteristics of children with bronchial asthma. A characteristic feature of a patient with bronchial asthma is that they experience and express more negative emotions than other people.

Key words: illness, stress, psycho-emotional state, allergens, psychogenic, somatogenic, attack, sensitivity, fear, sensitivity, atopic.